

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

научная электронная  
библиотека  
**eLIBRARY.RU**

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

4 СОН, 4 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 4, ВЫПУСК 4

## LAWYER HERALD

VOLUME 4, ISSUE 4



TOSHKENT-2024

## Мундарижа

### МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

#### **1. RAXIMBERGANOVA Bonu Davlatnazarovna**

MUDDATLI MEHNAT SHARTNOMASI BANDLIKNING NOTIPIK SHAKLI SIFATIDA ..... 8

### СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

#### **2. АБДУОЛИМОВ Уринбай Худобердиевич**

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ  
РИВОЖЛАНИШИНинг РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ ..... 15

### ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

#### **3. АБДУРАСУЛОВА Кумриниса Раимкулова**

КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА И ПРОФИЛАКТИКА ПРЕСТУПНОСТИ  
НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ..... 22

#### **4. ТЎРАБАЕВА Зиёда Якубовна**

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖАЗОНИ ЎТАШДАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРТЛИ  
РАВИШДА ОЗОД ҚИЛИШ ..... 32

#### **5. ХАЙДАРОВ Шухратжон Джумаевич**

КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК  
ЖИНОЯТИНИНГ СУБЪЕКТИ ..... 44

#### **6. КАРАКЕТОВА Дилноза Юлдашевна**

БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ ..... 52

#### **7. TOSHEVA Maftuna Anvar qizi**

QO'SHMACHILIK QILISH YOKI FOHISHAXONA SAQLASH JINOYATINING  
JINOYAT-HUQUQIY JIHATLARI ..... 62

### ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

#### **8. ИМОМНАЗАРОВ Алишер Ҳасанович**

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА КЎЗДАН КЕЧИРИШ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ  
МАМЛАКАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ ..... 69

### ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

#### **9. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич**

ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ҲУҚУҚИНинг ШАРТНОМАВИЙ МАНБАЛАРИ ..... 79

#### **10. АЗХОДЖАЕВА Роза Алтыновна**

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ВОПРОСОВ БЕЗОПАСНОСТИ ГЕННО-  
МОДИФИЦИРОВАННЫХ ПРОДУКТОВ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ЗДОРОВЬЕ ДЕТЕЙ ..... 85

<b>11. ХУДАЙБЕРДИЕВА Шоҳиста Ақмал қизи</b>	
ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ СИЁСИЙ СОҲАГА ОИД ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	92
<b>12. РАХМОНКУЛОВА Нилуфар Ҳоджи-Акбаровна</b>	
ЗАЩИТА ПРАВ ЖЕНЩИН: ОНЛАЙН ПЛАТФОРМЫ.....	99
<b>13. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович</b>	
МИГРАНТЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ .....	108
<b>14. ABDULLAYEVA Dilmaza</b>	
MEHNAT MUNOSABATLARIDA KAMSITISHGA YO'L QO'YMASLIK: XALQARO MEHNAT STANDARTLARI VA MILLIY QONUNCHILIK.....	117
<b>15. ТУРСУНОВ Ойбек</b>	
РОЛЬ ЕВРОПЕЙСКОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КОМИССИИ В СФЕРЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ И ОХРАНЫ ТРАНСГРАНИЧНЫХ ВОДОТОКОВ .....	123

## **ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

<b>16. UMARXANOVA Dildora Sharipxanova</b>	
AYOLLARNING ODIL SUDLOVGA ERISHISH DARAJASINI OSHIRISH: YEVROPA ITTIFOQI MAMLAKATLARI TAJRIBASI VA MILLIY AMALIYOT .....	128
<b>17. YULDOSHBEKOV Avazbek Alisher o'g'li</b>	
SOLIQ MASLAHATCHILARI KASBIY JAVOBGARLIGINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	136
<b>18. МЕЛИЕВ Худоёр</b>	
КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЧИЛИККА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР.....	144

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАЙДАРОВ Шухратжон Джумаевич

Тошкент давлат юридик универсиティ Жиноят хуқуқи, криминология ва коррупцияяга  
қарши курашиб кафедраси профессори в.б.,  
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: [Xaydarovshuxrat@mail.ru](mailto:Xaydarovshuxrat@mail.ru)  
<https://orcid.org/0000-0002-8188-7410>

## КАСБ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАСЛИК ЖИНОЯТИНИНГ СУБЪЕКТИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** ХАЙДАРОВ Ш.Д. Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг субъекти // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2024) Б. 44-51.



4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-4-5>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноят субъектининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Шунингдек, мақолада касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятининг субъекти жиноят хуқуқи мутахассислари фикрлари асосида таҳлил қилинган ва муаллиф ушбу олимлар фикрларига илмий ёндашиб, ўз фикрларини илмий таҳлил қилиш асосида ёритган. Бундан ташқари, мақолада касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик назарда тутилган моддани касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаган ҳар қандай субъектга нисбатан қўллаш имконини бериш мумкинлиги, бу жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш вазифасини бажариши илмий асослантирилган. Мақола касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини 2014-2024 ийлардаги статистикаси шунингдек, тадқиқот иши юзасидан ўрганилган ҳукмлар асосида таҳлил қилиб берган. Шунингдек, мақолада касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ илмий асослантирилган хулоса ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлари:** жиноят, жавобгарлик, касб, субъект, вазифа, тиббиёт, касал, мажбурият.

**KHAYDAROV Shukhratjon**

Acting Professor at Tashkent State University of Law  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
E-mail: [Xaydarovshuxrat@mail.ru](mailto:Xaydarovshuxrat@mail.ru)  
<https://orcid.org/0000-0002-8188-7410>

**THE SUBJECT OF THE CRIME OF IMPROPER PERFORMANCE OF HIS PROFESSIONAL DUTIES**

## **ANNOTATION**

This article reveals the features of the crime of improper performance of one's professional duties. Also, the article, based on the opinions of criminal law specialists, analyzes the subject of the crime of improper performance of one's duties related to the profession, and the author scientifically approaches the opinions of these scientists and highlights his opinions. based on scientific analysis. In addition, it is scientifically substantiated that the provision of the article on improper performance of one's professional duties can be applied to any subject who has not properly performed professional duties, and serves to ensure the inevitability of responsibility for this crime. The article, based on statistical data for 2014-2024, analyzes the crime of failure to fulfill one's duties properly, as well as court decisions studied in connection with the research work. The article also provides scientifically based conclusions and proposals related to the improper performance of one's duties related to the profession.

**Keywords:** crime, responsibility, profession, subject, task, medicine, patient, obligation.

**ХАЙДАРОВ Шухратжон Джумаевич**

Исполняющий обязанности профессора кафедры уголовного  
права, криминологии и противодействия коррупции  
Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор философии по юридическим наукам (PhD)  
<https://orcid.org/0000-0002-8188-7410>  
E-mail: [Xaydarovshuxrat@mail.ru](mailto:Xaydarovshuxrat@mail.ru)

## **СУБЪЕКТ ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЕНАДЛЕЖАЩЕГО ИСПОЛНЕНИЯ СВОИХ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ОБЯЗАННОСТЕЙ**

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье раскрыты особенности преступления ненадлежащего исполнения своих профессиональных обязанностей. Также в статье на основе мнений специалистов уголовного права анализируется предмет преступления ненадлежащего исполнения своих обязанностей, связанных с профессией, а автор научно подходит к мнению этих ученых и освещает свои мнения. на основе научного анализа. Кроме того, научно обосновано, что положение статьи о ненадлежащем исполнении своих профессиональных обязанностей может быть применено к любому субъекту, не исполнявшему должным образом профессиональные обязанности, и служит обеспечению неотвратимости ответственности за это преступление. В статье на основе статистических данных за 2014-2024 годы анализируется преступление неисполнения своих обязанностей должностным образом, а также судебных решений, изученных в связи с исследовательской работой. Также в статье приводятся научно обоснованные выводы и предложения, связанные с ненадлежащим исполнением своих обязанностей, связанных с профессией.

**Ключевые слова:** преступление, ответственность, профессия, предмет, задача, лекарство, больной, обязательство.

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик (ЖК 116-м.) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлардан бири ҳисобланади.

Муайян касб вакиллари (шифокор, қутқарувчи, қурувчи, сартарош, электрик ходимлари ва бошқалар) ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофизлик билан муносабатда бўлиб, касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида шахснинг баданига ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилгани ёхуд эҳтиётсизлик орқасида одам ўлимига сабаб бўлиш жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қиласди.

Шахснинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажариши, қўйилган

талабларга қатъий риоя этишидан алоҳида шахслар ва бутун жамият манфаатдор. Аксинча ходимларнинг касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида фуқароларнинг шахсий манфаатларига ва бутун жамиятга зарар ёки шикаст етказилиши мумкин.

Мамлакатимизда касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти: 2014 йилда – 74 та (108 нафар шахс); 2015 йилда – 66 та (109 нафар шахс); 2016 йилда – 102 та (148 нафар шахс); 2017 йилда – 88 та (113 нафар шахс); 2018 йилда – 102 та (145 нафар шахс); 2019 йилда – 92 та (122 нафар шахс); 2020 йилда – 78 та (102 нафар шахс); 2021 йилда – 67 та (95 нафар шахс); 2022 йилда – 78 та (104 нафар шахс); 2023 йилда – 87 та (117 нафар шахс) 2024 йил 1-ярим йилда – 59 та (77 нафар шахс) [1] содир этилган.

Дарҳақиқат, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятигининг субъектини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят содир этган ҳар бир инсон ижтимоий хусусиятга эга бўлган кўпгина хоссаларни ўзида мужассамлаштиради, лекин жиноят таркиби учун фақат ёш, ақли расолик ва айrim ҳолларда маҳсус субъект белгиларигина аҳамият касб этади.

Жиноятнинг субъекти жиноят таркибининг зарурий элементларидан бири ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқига биноан жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни содир этган ва унинг учун жиноий жавобгар бўла оладиган шахс жиноятнинг субъекти деб эътироф этилади [2].

Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасида кўзда тутилган жиноят фақат муайян касб вазифалари юклатилган шахслар томонидан содир этилади. Бундан ушбу жиноят маҳсус субъектли жиноят, деган холосага келишимиз мумкин.

Таъкидлаш лозимки, маҳсус субъектларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи юридик адабиётларда қизғин муҳокама қилинади. Аммо суд амалиётида маҳсус субъект ҳаракатларини квалификатсия қилишда ҳанузгача хатоларга йўл қўйилади. Баъзан маҳсус субъектнинг вазифаларини ва уларнинг мансабдор шахснинг вазифаларини ажратишда қийинчиликлар туғилади [3]. Касб ёки хизмат вазифасини лозим даражада бажармаслик хусусида ҳам айни шу фикрни айтиш мумкин.

Жиноятнинг маҳсус субъекти дейилганда, ақлирасо, қонунда белгиланган муайян ёшга етганлик каби умумий белгилар билан бирга жиноят қонунида ёки бевосита унда назарда тутилганлиги туфайли ушбу қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгиловчи қўшимча белгиларга эга бўлган шахс тушунилади [4; 5].

Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасида назарда тутилган жиноятларнинг субъекти маҳсус субъектлар қаторига киради. Қонунда субъект унинг касбига ишора қилиш йўли билан белгилаган, лекин унда маҳсус субъектни тавсифловчи белгилар кўрсатилмаган. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи назариясида бу турдаги маҳсус субъектнинг белгилари лозим даражада ўрганилмаган.

Ушбу масалани тўғри ҳал этиш маҳсус субъект (муайян касб эгаси) тушунчасининг мазмунини ташкил этувчи белгиларни тўғри аниқлаш профессионал фаолият соҳасида тегишли моддалар бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгилаш имкониятини беради.

Жиноят қонунида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг субъекти тўғрисида аниқ кўрсатма, яъни ушбу жиноят қайси соҳа вакиллари томонидан содир этилиши кўрсатилмаган. Бу ўз навбатида мазкур моддани касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаган ҳар қандай субъектга (тиббиёт ходими, кутқарувчи, электр ходими, спорт мураббийлари, ёнғин хавфсизлиги ходими, боғча тарбиячиси, авиаатсия соҳасининг мансабдор бўлмаган ходимлари, ошпаз, сартарош, газ таъминоти ходими ва б.к.) нисбатан қўллаш имконини беради. Жиноят ҳуқуқида аналогияга йўл қўйилмаслигини ҳисобга олсак, бундай умумий тусдаги модданинг бўлиши албатта мақсадга мувофиқ бўлиб, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлайди.

ЖК 116-моддаси иккинчи қисмида эса айнан қонун ёки маҳсус қоидаларга мувофиқ

касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахс ёки бўлмаса шифокор, фельдшер, ҳамшира ва шу кабилар тўғрисида сўз боради.

Ушбу масала хусусида чуқурроқ тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Амалиётда мазкур модда қўпроқ тиббиёт ходимларига қўлланилмоқда. Тадқиқот натижаларига кўра ЖК 116-моддасида назарда тутилган жиноятлар асосан тиббиёт ходимлари томонидан содир этилаётганлиги аниқланган [6].

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг 41-моддасига мувофиқ олий ёки ўрта маҳсус тиббиёт ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахслар тиббиёт ва фармасевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўладилар [7].

Жинояткодексида қонунёки бошқамахсусқоидаларга асосан касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлганлар деганда, бир мунча кенгроқ доирадаги шахслар назарда тутилади. Бундай шахсларга маҳсус тиббий билимга эга бўлмаган, лекин мажбуриятига кўра касалга қаровчи шахслар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига кўра, тиббий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин.

Мазкур масала 2018 йил 30 апрелдаги “Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомда ҳам ёритилган бўлиб, унга кўра, “Мактабгача таълим муассасаси раҳбари тарбияланувчиларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлашни ташкил этилиши учун масъуль ҳисобланади [8]”.

Тиббиёт ходими ўз касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноятларда, агар Ўзбекистон Республикаси ЖК Маҳсус қисмининг тегишли моддасида субъектнинг алоҳида белгилари кўрсатилган бўлса, маҳсус субъект ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, субъектнинг умумий белгиларидан ташқари, аниқ жиноятни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка ўзга шахсларни тортиш имкониятини чекловчи алоҳида қўшимча белгиларга эга бўлган шахс жиноятнинг маҳсус субъекти деб эътироф этилади.

Тиббиёт ходими томонидан касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг субъекти сифатида жиноят қонунида оқибат – шахснинг ўз касбига нисбатан бепарволиги ёки инсофизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳамда қонун ёки маҳсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказилишига ёхуд одам ўлими ёинки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Амалдаги ЖК 116-моддаси биринчи қисми бўйича жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо касб вазифаларини лозим даражада ёки умуман бажармаган ҳар қандай касб эгаси бўлиши мумкин; ЖК 116-моддаси иккинчи қисми бўйича жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо қонун ёки маҳсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Мазкур жиноятнинг субъекти маҳсус, кўп ҳолларда маҳсус ихтисослик бўйича маълумотга, яъни дипломга эга бўлиши зарур. Яъни, касб вазифасини бажармаслик субъектига хос бўлган яна бир алоҳида белги – кўп ҳолларда унда муайян ихтисосликка эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлигидир.

Агар шахс бирор касб билан қалбаки ҳужжат асосида фаолият олиб борса, ўзининг касбига оид зарур билимларга эга бўлмаган ҳолда ЖК 116-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби объектив томони зарурий белгиларини содир этса, қилмиш қандай квалификатсия қилиниши зарур, деган савол туғилади.

Бу борада олимлар ягона фикрга эга эмаслар. Ю.А.Ждановнинг фикрига кўра, “агар шахс қалбаки ҳужжат асосида зарур билим ва кўникмага эга бўлмаган ҳолда бирор касб билан шуғулланиб, ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, унинг қилмиши жиноят ҳисобланмайди. Чунки, шахс айнан қалбаки ҳужжатлар

асосида ишлаётганлиги учун жиноят субъекти ҳисобланмайди. Фақатгина қалбаки хужжатлардан фойдаланганлиги учун жавобгарликка тортилиши зарур” [9].

В.Б.Малининнинг таъкидлашича эса, “агар шахнинг касб вазифасини лозим даражада бажармаслигига унинг етарли билимга эга эмаслиги сабаб бўлса, бу уни содир этилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилишга асос бўла олмайди” [10].

Биз ҳам ушбу фикрни қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, касб юзасидан ўз вазифасини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс, қалбаки хужжатлар асосида ушбу касбини эгаллаган бўлса ҳам унинг қилмишини ЖК 116-моддаси билан квалификатсия қилиниши керак, чунки, у биринчидан мазкур касбий вазифасини бажариш учун меҳнат шартномасини имзолаган, хизмат йўриқномаси билан танишган ва булар ҳақида огоҳлантирилган бўлади.

Шунингдек, унинг қалбаки хужжатлар асосида ишлаётганлиги шахснинг ижтимоий хавфлилиги юқори эканлигидан далолат беради ва унинг қилмиши ЖК 228-моддаси билан кўшимча равишда квалификатсия қилинади.

Тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармасевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига олий ёки ўрта маҳсус тиббиёт ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахслар, рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган муайян тиббиёт ва фармасевтика фаолияти турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эса диплом ва лицензия олган шахслар эга бўладилар” [7].

А.Н.Ильяшенконинг фикрича, “тиббиёт ходимларига нисбатан касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик деганда, тиббий фаолиятни (қон олиш ва қуиши, трансплантатсия қилинаётган материални текшириш, барча турдаги жарроҳлик аралашувини ўтказиш ва б.к.) амалга ошириш жараёнида риоя этилиши мажбурий бўлган расмий талабларга, кўрсатмаларга, қоидаларга, санитария-эпидемиология ва гигиеник меъёрларга жавоб бермайдиган қилмишни (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этиш тушунилади” [11].

Тиббиёт ходимлари ҳар қандай ҳолатда ҳам агар имконияти бўлса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мажбур.

Баъзи адабиётларда [12] бундай мажбурият кенг талқин қилиниб, тиббиёт ходимлари қачон ва қаерда бўлишидан қатъи назар биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мажбурулиги таъкидланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасида ҳам тиббиёт ва фармасевтика ходимларининг фуқароларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишлари шартлиги белгилаб қўйилган.

Бироқ, бу фикрни инкор қилувчилар ҳам йўқ эмас. Хусусан, Ю.А.Власевнинг фикрича, “мазкур жиноят таркибининг касалнинг ёнида хизмат вазифасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бўлган ва унга ёрдам кўрсатмаган ҳар қандай тиббиёт ходимига нисбатан кўллаб бўлмайди” [13]. Муаллифнинг фикрича, агар шифокор хизмат вазифасидан бошқа вақтда касалга ёрдам кўрсатмаса, унга нисбатан ЖК 116-моддаси иккинчи қисмини кўллаш мумкин эмас.

Бизнинг фикримизча, амалдаги қонунчилик мазмунидан ҳамда суд-тергов амалиётида тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ўринда тиббиёт ходимларининг касалга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши унинг хизмат вазифасига расмий равишида кирган ёки кирмаганлигининг аҳамияти йўқ. Яъни, тиббиёт ходими ҳар қандай ҳолатда ҳам касалга ёрдам кўрсатиш расмий жиҳатдан унинг хизмат вазифаларига кирган ёки кирмаганлигидан қатъий назар касалга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мажбур ҳисобланади ва ушбу мажбуриятни бажармаслиги ЖК 116-моддасида кўзда тутилган оқибатларга сабаб бўлса, қилмиш жиноят сифатида баҳоланади.

Тиббиётходимлари беморларни даволаш билан боғлиқ муайян вазифалар – текшириш,

ташхис қўйиш, тегишли муолажани тайинлаш, жарроҳлик аралашувини амалга ошириш ва ҳоказоларнигина эмас, балки турли тиббий хужжатларни расмийлаштиришни (беморнинг амбулатория ва статсионар картасини юритиш, рецептлар ёзиб бериш, маълумотномалар, йўлланмалар бериш ва ҳоказоларни) ҳам қамраб олади.

Бундай ҳолларда тиббиёт ходими ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўладиган, ташкилий-бошқарув ҳаракатларига яқин турадиган, яъни сиртдан мансабдор шахснинг белгиларига ўхшаш бўлган муайян ҳаракатларни бажаришига қарамай, аслида у мансабдор шахс ҳисобланмайди ва ўзининг bemorларни даволаш борасидаги касбий вазифаларини бажаради.

Тиббиёт ходимлари томонидан содир этилган касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жиноятини квалификатсия қилиш учун айнан қайси касбий ёки мансаб вазифалари бузилганлигини тўғри аниқлаш талаб этилади.

Масалан, жарроҳлик бўлимининг бошлиғи bemorни операция қилар экан, ўз лавозими бўйича маъмурий-хўжалик ёки ташкилий-бошқарув вазифаларини эмас, балки bemorни даволаш борасидаги касбий вазифаларини амалга оширади. У касб юзасидан ўз вазифаларини бўлим бошлиғи сифатида эмас, балки жарроҳ сифатида лозим даражада бажармайди. Бинобарин, жиноий қилмишни квалификатсия қилиш тўғрисидаги масалани ечишда айни шу ҳолатдан келиб чиқиш зарур.

Шунга қарамай, тиббиёт ходимини мансабдор шахс деб эътироф этиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар илгари ҳам олимлар томонидан танқид қилинган. Масалан, Г.Н.Борзенков “тиббиёт ходимлари жабрланувчи учун оғир оқибатларга сабаб бўлган ўз қилмишлари учун ЖКнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларга доир моддаларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари лозим” [14], деб ҳисоблаган.

Баъзи манбаларда “шифокорлар у ёки бу муассасаларнинг хизматчилари ҳисобланадилар ва муайян лавозимларни банд этадилар, шу туфайли ҳам улар ўз касб-кори муносабати билан эмас, балки хизмат бўйича вазифаларини бажаришлари муносабати билан мансабдор шахслар деб топилишлари ва суистеъмол учун жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин” [15], деб таъқидланади.

Қонун ёки маҳсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиш бўйича мажбуриятини бажармас экан жиноят субъекти асосий обьектга зарар етказиш билан бирга касб вазифаларини амалга ошириш, масалан, тиббий хизмат ёки ёрдам кўрсатиш тартибини ҳам бузадики, ушбу соҳадаги муносабатлар мазкур жиноятнинг қўшимча обьекти сифатида намоён бўлади [16].

Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти бўйича жабрланувчи фуқаролиги, миллати ва бошқа бирор-бир белгисидан қатъи назар ҳар қандай касал ёхуд тиббий ёрдамга муҳтож бўлган бошқа шахс бўлиши мумкин.

Ушбу жинояти субъектининг белгиларини аниқлашда қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий хужжат билан белгиланган тиббий ёрдам кўрсатиш мажбурияти юклатилганлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

“Касалга ёрдам кўрсатмаслик деганда, касаллиги ёки тиббий аралашув талаб қиладиган бошқа сабабларга кўра тиббий ёрдамга муҳтож шахсга, қонунга мувофиқ, бундай ёрдамни кўрсатиш мажбурий бўлгани ҳолда, тиббий ёрдамни кўрсатмаслик тушунилади” [17]. “Касалга ёрдам кўрсатмаганлик учун жавобгарлик субъектига нафақат тиббиёт ходимлари, балки касбий мажбуриятлари доирасига будай ёрдамни кўрсатиш мажбурияти киритилган бошқа шахслар ҳам киради” [18].

Юқоридагилардан хулоса қилиб, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти бўйича қуидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

биринчидан, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти маҳсус субъектли жиноят сифатида таснифланади, яъни, Жиноят кодекси 116-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти маҳсус, яъни касбига кўра бирор мажбуриятни бажариши шарт бўлган (116-модда биринчи қисми) ёки қонун ёки маҳсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахслар (116-модда иккинчи қисми) ҳисобланади;

иккинчидан, жиноят қонунида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликнинг субъекти тўғрисида аниқ кўрсатма, яъни ушбу жиноят қайси соҳа вакиллари томонидан содир этилиши кўрсатилмаган. Бу ўз навбатида мазкур моддани касб мажбуриятларини лозим даражада бажармаган ҳар қандай субъектга (тиббиёт ходими, қутқарувчи, электр ходими, спорт мураббийлари, ёнгин хавфсизлиги ходими, боғча тарбиячиси, авиатсия соҳасининг мансабдор бўлмаган ходимлари, ошпаз, сартарош, газ таъминоти ходими ва б.к.) нисбатан қўллаш имконини беради. Жиноят хуқуқида аналогияга йўл қўйилмаслигини ҳисобга олсак, бундай умумий тусдаги модданинг бўлиши албатта мақсадга мувофиқ бўлиб, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлайди;

учинчидан, қонун ёки бошқа махсус қоидаларга асосан касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлганлар деганда, махсус тиббий билимга эга бўлмаган, лекин мажбуриятига кўра касалга қаровчи шахслар ҳам бўлиши мумкин, яъни тиббий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин;

тўртинчидан, ЖК 116-моддаси ва 207-моддаларида белгиланган жиноятлар ўртасидаги асосий тафовут жиноят субъектига бориб тақалади. Яъни, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти мансабдор шахслар томонидан содир этилса, ЖК 207-моддаси, мансабдор шахс бўлмаган ходимлар томонидан содир этилса, ЖК 116-моддаси билан квалификатсия қилинади;

бешинчидан, тиббиёт ходими ҳар қандай ҳолатда ҳам касалга ёрдам кўрсатиш расмий жиҳатдан унинг хизмат вазифаларига кирган ёки кирмаганлигидан қатъий назар касалга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мажбур ҳисобланади ва ушбу мажбуриятни бажармаслиги ЖК 116-моддасида кўзда тутилган оқибатларга сабаб бўлса, қилмиш жиноят сифатида баҳоланади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2024 йил 16 июлдаги №07/14-9743-324-сон маълумотномаси.
2. Каримов Х. Жиноятларни квалификатция қилишда жиноят субъекти мезонларининг аҳамияти // Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий хуқуқий журнал. – Тошкент, 2018. – №2. – Б.149-154.
3. Макаров С.Д. Квалификатция соучаствия в преступлении с ненадлежащим субъектом // Российский судья. -Москва, 2015. – №8. – С. 22-25.
4. Отажонов А.А. Жиноятда иштирокчилик институтининг жиноят-хуқуқий тартибга солиниши. Монография. – 2023. – Б. 158.
5. Курбанов М. Мансабдор шахслар жиноий жавобгарлигининг ўзига хос жиҳатлари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – Тошкент, 2017. – №2. – Б.66-67.
6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2019 йил 19 октябрдаги 30/16-19-2658-сонли маълумотномаси.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил, 9-сон, 128-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 20/1, 10-ққ/1-сон “Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3733353>; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 10/18/3012/1219-сон.
9. Жданов Ю.А. Пускова причинность // Избранное, Ростов н/Д., 2001, Т.2. – С. 92.
10. Малинин В.Б. Причинная связь в уголовном праве. -СПб.: Восток, 2000. –С, 58.
11. Ильяшенко А. Н. Проблемные вопросы привлечения к уголовной ответственности за преступления, связанные с заражением личса ВИЧ-инфекцией вследствие ненадлежащего исполнения медитсинским работником своих профессиональных

обязанностей // Вестник Краснодарского университета МВД России. – 2017. – №2(36). – С. 13-16.

12. Комментарий к УК Российской Федерации / Под ред. А.В.Наумова. – М.: Норма, 2006. – С. 328.

13. Власев Ю.А. Уголовная ответственность за оставление в опасности: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – С. 123.

14. Борзенков Г.Н. Квалификация преступлений против жизни и здоровья: Учебно-практическое пособие. –М.: «Зерсало-М», 2006. – С. 228.

15. Борчашвили И.Ш. Субъект преступления. Учебное пособие. – Алматы: Жетіжарғы, 2007. – 96 с.

16. Мыц Я.А. Проблемы объективной стороны неоказания помощи больному // Объединенный научный журнал 2005. – №27. – С. 11-12.

17. Мыц Я.А. Неоказание помощи больному // Законность. – 2006. – №11. – С. 22-23.

18. Otajonov A. A. Legal analysis of signs participation in the crime //Право и жизнь. – 2019. – №. 1. – С. 60-65.